

4-3-2018

About bases of classification of the words in composing new complanatory dictionaries

U. KUZIYEV

Fergana state university, Ferghana, str, Murabbiylar 19, fdujournal@fdu.uz

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/fdu>



Part of the [Linguistics Commons](#)

Recommended Citation

KUZIYEV, U. (2018) "About bases of classification of the words in composing new complanatory dictionaries," *Scientific journal of the Fergana State University*. Vol. 1 , Article 44.

DOI: 413+008

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/fdu/vol1/iss1/44>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific journal of the Fergana State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

**ЯНГИ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТЛАР ТУЗИШДА СЎЗЛАРНИ ТАСНИФЛАШ АСОСЛАРИ
ҲАҚИДА
ОБ ОСНОВАХ КЛАССИФИКАЦИИ СЛОВ ПРИ СОСТАВЛЕНИИ НОВЫХ ТОЛКОВЫХ
СЛОВАРЕЙ
ABOUT BASES OF CLASSIFICATION OF THE WORDS IN COMPOSING NEW
COMPLANATORY DICTIONARIES**

У.Қўзиёв

Аннотация

Мақолада ўзбек тилининг янги беш жилдли изоҳли луғатида киритилган ўзлашма сўзларни таснифлаш, шу орқали бундай сўзларнинг миқёсини аниқлаш ва уларни семантик изоҳлаш ҳақида фикр юритилади.

Аннотация

В статье рассматривается вопрос о классификации иностранных слов в новом пятитомном толковом словаре узбекского языка и изучение через неё их масштаб и семантическое описание.

Annotation

In this article classification of borrowings in five-volume Uzbek explanatory dictionaries, also their scale and semantic explanation are considered.

Таянч сўз ва иборалар: тасниф, ўзлашма сўзлар, луғат, тилнинг луғат таркиби, майдон, микромайдон, парадигма, тасниф тамойиллари.

Ключевые слова и выражения: классификация, заимствованные слова, словарь, лексика, поле, микрополе, парадигма, принципы классификации.

Key words and expressions: classification, borrowings, dictionary, lexics, field, microfield, paradigm, principles of classification.

Илм-фан, техниканинг жадал суръатлар билан тараққий топиши, ҳаётимизга бозор иқтисодиётининг босқичма-босқич кириб келиши, республикамизда жаҳон инфраструктурасидаги узлуксиз таълим тизими, дипломатия, молия, банк ва кредит... каби соҳаларнинг янада такомиллаштирилиши натижасида мустақиллик йилларида ўзбек тили луғат системасининг ички ва ташқи имкониятларини тўла ишга солган ҳолда, тил тараққиёти қонуниятлари талабига мос равишда она тилимизнинг эркин ривожланиши учун янгича шарт-шароитлар юзага келтирди [1]. Мазкур вазиятда давр ўзбек луғатшунослиги олдига кечиктириб бўлмайдиган вазифаларни қўймоқда. 2006-2008 йилларда чоп этилган беш жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» тилимиз лексикасида мустақиллик шароитида юз берган ўзгаришларни акс эттириши билан бир қаторда луғатшуносликка оид бир қанча муаммоларга жавоб берганлиги билан ҳам қимматлидир. Бу муаммоларга лексик

қатламларни луғатга қай даражада қамраб олиш, сўзларга замонавий тилшунослигимизда эришилган ютуқлар асосида лексикографик изоҳ бериш кабилар ҳам киради.

Янги изоҳли луғат тил луғат таркибининг катта қисмини қамраб олган. Янги кириб келаётган ёки эскилик бўёғига эга бўлган бирликларни сўзлик қаторига қўшиш муаммоси муайян даражада амалий ҳал қилинган. Бундай лексик бирликларнинг салмоқли қисмини ўзлашма сўзлар ташкил этади. Уларни таснифлаш, парадигмаларга бирлаштириш луғат сўзлик таркибини аниқлаш ва семантик изоҳ беришда катта аҳамиятга эга. Тасниф, биринчидан, лексик майдонлар миқёсини белгилаш, микромайдонларни аниқлаш, иккинчидан, лексик-семантик парадигмаларни тўлдириш, учинчидан, микромайдонларнинг дифференциал белгилари асосида лексикографик тавсиф бериш имконини беради.

Тасниф ҳар қандай билимнинг асосидир. У, “биринчидан, бир вақтнинг ўзида маълум фан тармоғининг тараққиёти натижаларига яқун

У.Қўзиёв – НамДУ ўқитувчиси.

яса, иккинчи томондан, бу тармоқ ривожланишида янги босқич бошланаётганлигидан дарак беради” [2.9]. Тасниф масаласи доимо гносеологик фанларнинг диққат марказида бўлиб келган. Бу муаммо тилшуносликдаги систем-структур ёндашув, антропоцентрик ёндашувлар натижасида ҳам ечим топгани йўқ. “... ўзбек тили лексикасининг мазмун жиҳатдан қандай мазмуний майдонлардан (парадигмалардан) ташкил топганлиги, бу мазмуний майдонларнинг ички тузилиши ва тузилиш бирликларининг ўзаро муносабати, ҳар қайси майдонларнинг узвий боғланиши каби масалаларни ўрганиш ҳамон ўз тадқиқотчисини кутмоқда” [3.7]. Тил лексик системасининг бошқа системалар билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланиши, унинг очиқ системалиги, дискретлиги, қисмлари ўртасида иерархик, холомеронимик, гиперо-гипонимик муносабатлар доимий мавжудлиги ҳамда субстанционал табиатга эгаллиги, одатда, таснифлаш ишини номукамал ҳолга келтиради. Шу сабабли лексик системани таснифлашда турли олимлар турлича йўлдан борганлар. Жумладан, Г.М.Мейер таснифда бирликларнинг қўлланиш частотасига кўпроқ эътибор қаратган [4.252-253]. Ф.Дорнзейф эса оламнинг иерархик тузилишга эгаллигини асосий ўринга қўяди ва денотатларни 20 гуруҳга бўлиб тасниф қилади [4.251-252]. Оламни семантик майдонларга ажратилган ишлар бўйича бажарилган ишлар ичида Р.Халлиг ва В.Вартбургларнинг таснифи алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, улар тилдаги барча сўзларни “Универсиум” атамаси остига жойлаб, уни 3 га ажратади: ОЛАМ, ОДАМ, ОЛАМ ВА ОДАМ. Уларнинг таснифи асосан материалистик нуқтаи назардан амалга оширилган бўлиб, жумладан, яратувчи ва у билан боғлиқ (диний) тушунчалар назардан четда қолган.

Сўзларни семантик таснифлаш ҳозирги ўзбек тилини, унинг луғавий бойлигини ўрганиш, луғат таркибида юз бераётган ўзгаришларни баҳолашда илк босқич вазифасини ўтайди.

Тилшунослигимизда таснифлаш, тилни система сифатида ўрганиш борасида салмоқли ишлар қилинган, уларда берилган хулосалар кўплаб янги тадқиқотлар учун назарий ва амалий асос вазифасини ўтамоқда.

Жумладан, А.Собиров лексик бирликлар таснифини уларнинг ифода томонидан, кейин улар ифодалаган тушунча(денотат, референт)лар таснифидан бошлайди. Ўзбек тилшунослигида диний тушунчалар билан боғлиқ мавзуй майдонлар ўз тадқиқотчисини кутаётганлигини айтади [5.134]. Ш.Искандарова “шахс” микромайдонини таҳлил қилиб, жумладан, мавжудлик белгиси билан ажралган шахс отлари майдонини 80 дан ортиқ каттаю кичик гуруҳларга ажратади [3]. “Шахс” микромайдони асосида Н.Зайниддинова [6], А.Мўминова [7] каби тадқиқотчилар ҳам ўз тасниф ва талқинларини илгари сурганлар.

Тилимиздаги ўзлашма сўзларни таснифлашдан мақсад жамиятнинг қайси соҳасида сўз ўзлаштириш фаол эканлигини аниқлаш, унинг лисоний ва нолисоний омилларини ўрганиш, шунингдек, сўзларнинг маъно тузилишидаги силжишларни баҳолашдир. Энг асосийси, янги изоҳли луғат сўзлик таркибини аниқлаш ва тўлдиришдир.

Тасниф жараёнида дедуктив, индуктив усуллардан фойдаланиш зарурлиги, ўрганиш манбаининг ўз серқирралиги асосида бир неча таснифларда иштирок эта олиши ва улар турли-туман ўринларни эгаллай олиши, ўхшашлик ва фарқларга ажратишда мантиқий изчилликка риоя қилиниши [8,9] муҳим аҳамиятга эга.

Етакчи олимларимиз Ғарб олимлари ва буюк аждодларимиз томонидан қўлланган қуйидаги фалсафий асослар ва тадқиқот методларидан ижодий фойдаланишни таклиф қиладилар. Улар:

1) объектга субстанционал (зотий) ёндашув. Бунда умумийлик-хусусийлик, моҳият-ҳодиса, имконият-воқелик диалектикасини ҳисобга олиш;

2) объектнинг зиддиятли табиатини очиш. Ҳар қайси тадқиқот объекти ички зиддиятлардан иборатлигини, ана шу зиддиятлар объектнинг узлуксиз ривожланишининг асоси эканлигини кўрсатиш;

3) объектнинг системавий хусусиятларини ёритиш. Бунинг учун ҳар қайси объект муайян катта бутунликнинг узвий бир бўлаги эканлиги ва, айти пайтда, у муайян ички унсурларнинг ўзаро

ИЛМИЙ АХБОРОТ

муносабатидан ташкил топган яхлитлик эканлигини намоён қилиш;

4) шакл ва мазмун диалектикасини эътиборга олиш, уларнинг ўзаро муносабатини ёритиш;

5) тенг қимматли элементлар ўртасида ва турли қимматли бирликлар (бутун билан бўлак, тур билан жинс) ўртасидаги муносабат турларини ёритиш ва ҳоказолар [10.27-28].

Изоҳли луғатлар сўзларни тасниф қилар эканмиз, тилшунослигимизда ҳозирга қадар эришилган назарий ва амалий ютуқлардан унумли фойдаланиш кераклиги яққол кўринади. Шулардан келиб чиқиб, ўзлашма сўзларни таснифлашда қуйидагилар таклиф этилади:

1. Сўзларнинг ўзлашиш соҳаларини белгилаб олиш: *ижтимоий соҳага оид сўзлар, диний тушунчаларни ифодаловчи сўзлар, терминлар* ва бошқа.

2. Юқори туркумларни ўз ичида тасниф тамойилини ўзгартирмаган ҳолда яна гуруҳ, гуруҳчаларга ажратиш.

3. Ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ ўзлашмаларни таснифлашда уларнинг луғавий ва грамматик маъноларини ҳисобга олиш. Сўзларни туркумларга бўлиб, сўнг маъно гуруҳлари бўйича тасниф қилиш. Сабаби сўзларнинг умумий грамматик

маъноси асосида ҳам унинг денотати – луғавий маъноси ётади.

4. Атамаларни таснифлашда уларнинг, албатта, истилоҳий маъноси ҳисобга олиш. Фан ва соҳа номларини таснифлашда фанларнинг тадқиқот жабҳаларини фарқловчи белги сифатида олиш.

5. Сўзларнинг қайси соҳага ўзлашганини белгилашда уларнинг семантик таркибини биринчи ўринга қўйиш. Масалан, беҳи сўзи луғатда ботаникага оид атама сифатида берилган [9.249]. Атама умумқатламдаги сўзнинг маъносини махсуслаштириш орқали ҳосил қилинган. Демак, умумқатламдаги маъноси бирламчидир.

Биринчи, учинчи, тўртинчи банддаги жиҳатлар луғатда бош сўзларга қўшимча изоҳ беришда ҳам аҳамиятли.

Юқоридаги таклифлар луғат тузишда амалий аҳамиятга эга: биринчидан, луғат сўзлигининг (бош сўзларнинг) аниқ миқдорини билиш; иккинчидан, агар луғат электрон дастур ҳолига келтирилганда сўзлик гуруҳларини тўғри тақсимлаш; учинчидан, атамалар қайси фан соҳаси нуқтаи назаридан тавсифланиши ва тармоқ луғатлардан оптимал фойдаланиш имконини беради.

Адабиётлар:

1. Ҳожиёв А. Мустақиллик шароитида ўзбек тили луғати таркибининг ривожланиш асослари // “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали. -1994 йил, 1-2-сонлар.
2. Мадраҳимов И.С. Ўзбек тилида сўзнинг серқирралиги ва уни таснифлаш асослари. НДА. – Т., 1994.
3. Искандарова Ш. Лексикани мазмуний майдон асосида ўрганиш муаммолари. – Т.: Фан, 1998.
4. Караулов Ю.Н. Общая и русская идеография. – М.: Наука, 1976.
5. Собиров А. Ўзбек тилининг лексик сатҳини система сифатида тадқиқ этиш. ДД. – Т., 2005.
6. Зайниддинова Н. Машғуллик семасига эга бўлган шахс отларининг лексикографик талқини (“Ўзбек тилининг изоҳли луғати” асосида): НДА. – Т., 2004.
7. Мўминова А.К. Ўзбек тилида мансаб ва унвон номларининг лексик-семантик таркиби: НДА. – Т., 2000.
8. Бойко А.П. Логический анализ структуры классификации. НД. – М., 1983.
9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдди. 1-жилд. – Т., 2006.
10. Нурмонов А., Йўлдошев Б. Тилшунослик ва табиий фанлар. – Т.: Шарқ, 2001.

(Тақризчи: Ш.Искандарова, филология фанлари доктори, профессор).